

10-1-2020

THE ROLE OF INDUSTRIAL ZONES IN THE DEVELOPMENT OF REGIONAL INNOVATION ACTIVITIES

D. Bababekova docent
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Bababekova, D. docent (2020) "THE ROLE OF INDUSTRIAL ZONES IN THE DEVELOPMENT OF REGIONAL INNOVATION ACTIVITIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 5 , Article 29.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss5/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

И.ф.н., доц. Д.Ш.Бабабекова
Тошкент молия институти

ХУДУДИЙ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мақолада ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат зоналарининг ўрни билан боғлиқ жараёнларнинг илмий-назарий асослари тадқиқ этилган. Саноат зоналарини жойлаштириш, фаолият самарадорлигини оширишнинг шарт-шароитлари ва имкониятлари тизимли асосга келтирилган. Саноат зоналарининг фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан мақсадли фойдаланиш имкониятлари баҳоланган. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда саноат зоналарининг ролини оширишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўз ва иборалар: саноат тузилмаси, саноат зонаси, инновацион лойиҳа, инновацион салоҳият, инновацион фаоллик, инновацион инфратузилма, иқтисодий интеграция, технологик жараён, венчур фондлари, экспорт салоҳияти.

THE ROLE OF INDUSTRIAL ZONES IN THE DEVELOPMENT OF REGIONAL INNOVATION ACTIVITIES

The article studies the scientific and theoretical basis of processes related to the role of industrial zones in the development of regional innovative activity. The conditions and opportunities for the placement of industrial zones, increasing the efficiency of activities were gathered in a systematic basis. The possibilities of targeted use of factors affecting the efficiency of industrial zones were evaluated. Scientific proposals recommendations on increasing the role of industrial zones in ensuring economic development of regions have been formed.

Key words: industrial structure, industrial zone, innovative project, innovative potential, innovative activity, innovative infrastructure, economic integration, technological process, venture funds, export potential.

КИРИШ

Ҳозирги замон ривожланган бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш ва унинг фаолият самарадорлигини таъминлаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бу борада ҳозирги даврда амалга оширилаётган кўплаб тадқиқотларнинг назарий-услубий асослари, ишлаб чиқаришнинг инновацион фаоллигини ошириш жараёнларини ўрганишга бағишланаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришни инновацион фаоллигини оширишда ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий жойлаштириш, фан сиғимкорлигини таъминлаш, юқори технологияларни жорий қилиш ҳисобига меҳнат интенсифлигига эриш каби қатор жараёнлар, кенг миқёсидаги ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришнинг нафақат ҳудудий муаммоларига эътибор қаратиш балки, унинг глобал иқтисодиётга интеграциясини таъминлашни талаб этади. Мазкур йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш зарурияти

тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев куйидагича тўхталиб ўтган эди: «жаҳон ишлаб чиқариш занжирларига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим»[1].

Саноат ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий моделларидаги асосий хусусият, саноат тузилмалари фаолиятини ташкил этишга нисбатан ҳудудий ёндашувнинг устуворлиги орқали намоён бўлганлиги сабабли, саноат тармоқларида янгидан янги соҳалар юзага келди. Натижада, нисбатан прогрессив ҳисобланган саноат тузилмасининг янги шакллари вужудга келмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш жараёнларини тизимли ташкил этишда, инновацион фаолликни ошириш билан боғлиқ жараёнларда саноат зоналари фаолиятини тадқиқ этишни муҳим аҳамиятга эга эканлигини акс этган ҳолда тадқиқот ишининг долзарблигини асослашга хизмат қилади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат зоналарининг ўрни билан боғлиқ илмий-назарий тадқиқотлар хорижлик иқтисодчи олимлардан М.Эдвард томонидан амалга оширилган бўлиб, тадқиқот натижаларига асосан Хитой Халқ Республикасида саноат зоналарининг ҳудудий саноат тармоқлари ривожланишига устуворлик берилиши экспорт салоҳиятини кенгайтиришнинг муҳим омили сифатида эътироф этилади[2].

Ж.Лин тадқиқотларида ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат зоналарининг ўрни, саноатнинг тармоқ тузилмаси ўзгаришига энг кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланган илмий-техника тараққиёт билан боғлиқ жиҳатлар асосий ўрин эгаллайди. Тадқиқотчининг фикр-мулоҳазаларига кўра, ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда энг аввало, янги меҳнат воситалари ва маҳсулотнинг янги турларини яратиш, мавжуд асбоб-ускуналар ва технологик жараёнларни такомиллаштириш, янгиларини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади[3].

Кузнецов В.П, Кузнецова С.Н, Лапаев Д.Н ўз тадқиқотларида ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат парклари фаолиятини ташкил этиш тизими ва унинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, саноат паркларининг юқори технологияли корхоналарни ривожлантириш лойиҳалари ва квази-интеграл саноатни шакллантиришга таъсирини юқори баҳолайдилар[4]. Б.Н.Кузык, Ю.Б.Яковецлар тадқиқотларида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг стратегик жиҳатлари асосий ўрин эгаллайди. Уларнинг фикрига кўра, мамлакат ҳудудларида илмий-техник тадбиркорлик ва бошқарув жараёнини ўзида бирлаштирувчи, инновацион инфратузилмалар фаолиятини шакллантирилиши инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг стратегик йўналишларини такомиллаштиришга асос яратади[5].

Ю.И.Ефимычев, О.В.Трофимовлар мамлакат инновацион ривожланиш дастурларини ўрта ва узоқ муддатли стратегик ривожланиш дастурларини

таҳлил қилиш орқали, замонавий бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарининг инновацион бошқарув стратегиясини шакллантириш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайдилар[6].

О.А.Агеева, Е.И.Щербинина тадқиқотларининг илмий-назарий асослари ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда инновацион лойиҳаларнинг ўрнини асослашга йўналтирилган бўлиб, инновацион лойиҳалар, ички ва ташқи бозорларда рақобатнинг кескинлашуви шароитидаги иқтисодий риск даражасини кафолатловчи ва ҳудудий ривожланишнинг асоси омили сифатида талқин этилади[7].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.А.Абдуллаев, Б.Д.Хажиев, Қ.Қ.Мамбетжановлар ўз тадқиқотлари орқали ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришга асос яратувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганишган бўлиб, бу борада ҳудудий инновацион сиёсатни шакллантиришга доир вазифаларни бажарилиши юзасидан стратегик мақсадларни белгилаш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этадилар[8]. С.С.Гулямов, А.М.Абдуллаев тадқиқотларига мувофиқ, инновацион салоҳият такомиллашуви, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг асоси сифатида эътироф этилади. Шунингдек, инновацион салоҳиятни ривожлантиришда; мотивацион, иқтисодий, ташкилий-маъмурий қисмларни ўз ичига олган миллий, ҳудудий ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларини инновацион ривожлантириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёнларга эътибор бериш лозим[9].

М.А.Раимжановнинг тадқиқот натижаларига мувофиқ миллий иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида, инновацион лойиҳа буюртмачилари ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектлар, ҳомийлик ва венчур фондлари, чет эллик буюртмачи корхоналар маблағларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибасига асосан саноат зоналарида яратиладиган маҳсулотлар таркибида маҳаллий компонентларнинг юқори улушини таъминлаш мақсадга мувофиқ[10]. К.Ш.Муминова ўз тадқиқотлари орқали саноатнинг ривожланиш даражаси ва унинг ҳудудий жиҳатларини такомиллаштиришда инновацион ёндашувнинг заруриятини асослаб беради. Бу борада фаолият самарадорлигини оширишда саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий асосларига эътибор қаратиш лозимлигини қайд этади[11].

Б.Б.Салимбов тадқиқотлари жараёнида кичик саноат зоналарини барпо этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари ҳудудга жойлаштирилдиган тадбиркорлик субъектларининг инновацион лойиҳалари самарадорлиги орқали баҳоланиши асослаб берилади[12]. Д.Г.Мамаджонов тадқиқотлари орқали иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоғининг бошқарув самарадорлигини оширишда инновацион салоҳиятни такомиллаштириш, илм ва юқори технология талаб қилдиган янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тавсия этади[13]. Б.О.Турсунов тадқиқотларида саноат зоналарини инновацион фаолиятини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишда инновацион ахборот таъминотига асосланган бошқарувининг тузилмавий таркиби ва унинг

самарадорлигини таъминлашга асосланган модели стратегик йўналишларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилади[14].

Юқорида амалга оширилган хорижий ва миллий тадқиқотлар доирасида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш мумкин:

- ҳудудларнинг инновацион фаолият самарадорлигини тавсифловчи мезон асоси норматив кўрсаткичлар асосида шакллантирилади;

- ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини комплекс ва мутаносиб ривожлантириш орқали инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилмаган;

- ҳудудларнинг инновацион салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш шарт-шароитлари ва имкониятлари билан боғлиқ тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнига эътибор берилмайди;

- ҳудудлар инновацион фаолият самарадорлигини таъминлашда хусусий кўрсаткичлар таъсири ҳисобга олинмаган ва бошқалар.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада, ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат зоналарининг ўрни, индукция ва дедукция методлари орқали асослаб берилган. Шунингдек, статистик таҳлил ва тизимли таҳлил орқали саноат зоналарининг фаолият самарадорлиги баҳоланган. Мантиқий абстракциялаш орқали ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат зоналарининг фаолиятини такомиллаштиришга доир умумий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир бир мамлакат иқтисодиётида саноат ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар мураккаб аҳамият касб этади. Хусусан, ҳудудлар ўртасида иқтисодий тараққиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, замонавий техника ва технология асосида ишлаб чиқаришнинг қолоқ кучларини ривожлантириш, ноанъанавий ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион муҳитни шакллантиришнинг стратегик аҳамият касб этиши саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга асос яратди. Шунингдек, саноат зоналари фаолиятининг ўзига хос муҳим жиҳатлари технологик тараққиётни таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш, мамлакат иқтисодиётининг янгилашишида муҳим омил ҳисобланган инновацион фаолият инфратузилмасининг ривожлантиришдаги фаол иштирокида намоён бўлади.

Ҳудудий саноат ишлаб чиқаришнинг функционал имкониятлари, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда саноат корхоналари ва унинг ташкилий тузилмалари фаолиятини автоматлаштирилган тизим орқали кенгайтиради. Саноат ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштирилиши саноат зонасида жойлашган корхоналарда материаллар, хизматлар ва пудратчилар, меъёрий-маълумотлар, инновацион ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш

масалалари бўйича ахборот айрибошлаш жараёнини такомиллаштиришга таъсир кўрсатади[15].

Саноат зоналарини самарали бошқариш механизмлари ва уларни бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган усуллар ўзига хос бўлган стратегик мақсад ва вазифаларни ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабли, ҳудудларнинг келгуси иқтисодий ривожланиш стратегияларини башоратлаш жараёнига зарурият ортиб боради.

Саноат зоналарининг ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги ўрни қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- ҳудудда фан ва техника соҳасида олий малакали илмий ва муҳандис ходимларни тайёрлаш суръатининг ортиши;

- саноат ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ҳажми ва экспортининг диверсификациялашув даражаси;

- ҳудудда инновацион тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш суръати;

- инновацион фаолиятда интеллектуал мулкнинг ўзгариш суръати;

- фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг умумий натижаларини саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилганлик даражаси;

- янги турдаги ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг истеъмол бозоридаги улуши, буюртмачилар талабини қондириш даражаси ва бошқалар.

Жаҳон амалиётида саноат зоналарининг кўплаб турлари фарқланади. Мамлакатимиз иқтисодиётида бугунги кунда саноат зоналарининг қуйидаги турлари фаолият йўналишлари шакллантирилган:

- эркин иқтисодий зоналар;

- кичик саноат зоналари;

- саноат технопарклари;

- саноат кластерлари.


Кичик саноат зоналарининг юқоридаги саноат зоналаридан асосий фарқли жиҳати ҳудудий қамров даражасига кўра хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга эканлиги билан фарқланади. Ушбу саноат зонасининг мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилиши, ҳудудларда муҳандислик-техник коммуникация тизимини модернизациялаш, ер участкасидан мақсадли фойдаланиш, хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга асос яратади.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимизда жами 16 та ЭИЗ, 70 та КСЗ, 3 та технопарк ҳамда 97 та пахта-тўқувчилик кластерлари фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг таркибидаги корхоналар сони ЭИЗларда 416 та, КСЗларда 1355 та, технопаркларда 55 та ва кластерларда 97 тани ташкил этади[16].

2019-2020 йилларнинг I чорак натижаларига мувофиқ ЭИЗлар таркибидаги саноат корхоналарида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1330,5 млрд.сўмдан 2300,1 млрд.сўмга ортган, яъни саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 72,8 фоиз ўсишга эришилган. Кластер таркибидаги саноат корхоналарида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қарийб 2 млрд.сўмга ортиб, саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 0,07 фоизга ўсган. КСЗлари

таркибидаги саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 51,3 млрд.сўмга ортиб, қўшимча ўсиш суръати 10,8 фоизни қайд этади. Технопарк таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қарийб 2 баробар ортган ҳолда, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 58,6 фоиз ўсишга эришилган.

2020 йилнинг I чорак натижаларига доир таҳлилларга мувофиқ республикадан ташқари (экспорт)га саноат маҳсулотлари миқдори ЭИЗда - 303,1 млрд.сўмни, КСЗда - 156,8 млрд.сўмни, технопарк - 9,8 млрд.сўмни ва кластерларда-350,1 млрд. сўмни ташкил этади[16]. Умумий таҳлил натижаларига мувофиқ ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 15 фоизи хорижий мамлакатларга экспорт қилинган (1-расм).



1-расм. 2019-2020 йилларнинг январь-мартъ ойларида саноат зоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (млрд.сўмда)[16]

Ўз навбатида саноат зоналари таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари доир таҳлиллар саноат корхоналарининг молиявий барқарорлиги барқарор суръатда ўзгариш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади. Ушбу корхоналарни юқори молиявий натижалари асосан, эркин иқтисодий зоналар таркибидаги саноат корхоналари фаолиятида кузатилинади. ЭИЗлар таркибидаги 416 та саноат корхоналарининг фойда солиғи тўлагунга қадар жами фойдаси 148,2 млрд.сўмни ташкил этади. Технопарклар таркибидаги жами саноат корхоналари 55 тани ташкил этгани ҳолда ушбу кўрсаткич 3,1 млрд.сўмни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

2020 йилнинг январь-мартъ ойларида саноат зоналари таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари (млрд.сўм)[16]

	Таркибидаги корхоналар сони	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар(-), млрд.сўм
ЭИЗ	416	148,2
КСЗ	1355	52,7
Технопарклар	55	3,1
Кластерлар	97	35,2

Ўз навбатида технопарклар таркибидаги жами саноат корхоналарининг молиявий таҳлилига оид умумий хулосалар, саноат корхоналарида инновацион соҳага сарфларнинг ортиши, сарф-харажатларни узоқ даврга мўлжалланганлиги ва улардан олинadиган даромад самарасининг базис давр учун юқори кўрсаткичларни қайд этмаслиги орқали тавсифланади. Ушбу ҳолатда инновацияларнинг жорий ва истиқбол даври учун истеъмол кўлами ва хусуситини ҳисобга олган ҳолда ёндашувни амалга ошириш лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Саноат ишлаб чиқаришнинг тузилмавий таркибида амалга ошириладиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари саноат тармоғининг инновацион фаолият самарадорлигини баҳолашда муҳим мезон ҳисобланади. Саноат тармоқларининг ривожланиш хусусиятлари ўзида ишлаб чиқариш имкониятлари ва тармоқнинг диверсификациялашув даражасига истеъмол кўламининг таъсирини акс этади. Ушбу ҳолатда албатта саноат ишлаб чиқаришнинг ички бозор имкониятларини ўрганиш ва мавжуд шароитдан самарали фойдаланиш орқали тармоқнинг ташки бозор имкониятларини кенгайтириш талаб этилади. Тармоқда фан-техника тараққиётини таъминлашга таъсир кўрсатувчи омиллар, саноатнинг тармоқ ва ҳудудий ривожланишига таъсир кўрсатувчи диверсификацион жараёнларни юзага келтиради. Бу каби устувор масалалар ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат зоналарининг иштирокини таъминлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Фикримизча, саноат зоналарининг ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги иштирокини такомиллаштиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

–саноат зоналаридаги корхоналарда технологик ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган бошқарув тизимларини такомиллаштириш;

–саноат зоналари жойлашган ҳудудларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этаётган тижорат банклари учун мажбурий заҳиралар меъёрини пасайтириш;

–саноат ишлаб чиқаришда мамлакатнинг етакчилик мавқеини таъминлайдиган давлат-хусусий шерикчилигига асосланган стратегик лойиҳаларни амалга ошириш;

–саноат корхоналари ўртасида инновацияларнинг жорий этилишини таъминлайдиган самарали ҳудудий инновацион тизимни ташкил этиш;

–саноат корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банкларига давлат маблағларини субординар қарз қилиб бериш механизмини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://www.pv.uz/oz/newspapers/poslanie-preidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeva-olij-mazhlisu-2020>

2. Edvard M. Do export processing zones attract FDI and its benefits (The experience from China). Institute for International Economic, Washington, DC, USA. International Economics and Economic Policy. Springer-Verlang. 2014. 87-103 p.

3. Lin J. “New Structural Economics: A Framework for Rethinking Development,” World Bank Research Observer, Vol. 26, 2011. No. 2, pp. 193–221

4. Кузнецов В.П., Кузнецова С.Н., Лапаев Д.Н. Теоретические аспекты развития организационно-экономического механизма формирования промышленных парков. Казань, изд-во Познание Института экономики, управления и права. 2014. 148 с.

5. Кузык Б.Н., Яковец Ю.Б. Россия – 2050 Стратегия инновационного развития. Монография – М.: «Экономика», 2004.-128 с.

6. Ефимычев Ю.И., Трофимов О.В. Концептуальные основы стратегии инновационного развития промышленных предприятий: Монография. – Н. Новгород: Изд-во ННГУ им. Н.И. Лобачевского, 2010. – 273 с.

7. Агеева О.А., Щербинина Е.И. Существующие стратегические решения разработки инновационного проекта. Вопросы экономики и управления. Международный научный журнал № 2 (09) 2017. 71-73 с.

8. Abdullayev S.A, Xajiyev B.D, Mambetjanov Q.Q. O‘zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasi. Darslik.-T.: “Barkamol fayz media”, 2018.-424 b.

9. Гулямов С.С, Абдуллаев А.М. и др. Инновационный потенциал и его влияние на конкурентное развитие экономики страны (теоретико-методологические аспекты). Т.: Фан ва технология, 2016.-884 с.

10. Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. Т.: “Extremum-press”, 2013.-176 б.

11. Муминова К.Ш. Ўзбекистон саноатининг ривожланиш даражаси ва унинг ҳудудий жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2015 йил.

12. Мамаджонов Д.Г. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоғининг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил

13. Салимбов Б.Б. Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини барпо этишининг ташкилий-иқтисодий асослари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил

14. Турсунов Б.О. Саноат ишлаб чиқаришни тизимли қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион ахборот таъминотини шакллантириш. BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2020/3 (79), 250-254 б.

15. Турсунов Б.О. Кичик саноат зоналари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг инновацион ахборот таъминотини шакллантириш. “Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги халқаро онлайн илмий- амалий конференция материаллари., Т.: 2020 йил. 702 б.

16. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти.